"Т.Аҳмедов" маҳалласининг яна бир қисми ичимлик суви билан таъминланади

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Маҳаллабай” ишлаш тизими қисқа фурсатларда амалиётга айланди. Маҳалла - одамларининг дарду ташвишлари ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яқиндан биладиган тузилма. Ҳозирги кунда Риштон тумани аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда яхшилаш борасида жамиятимиз томонидан бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хуллас, ишлар натижасида мазкур ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолининг марказлашган ичимлик суви таъминоти яхшиланиши билан бирга, сув таъминотидаги муаммолар барҳам топиб, истеъмолчиларимизнинг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжлари қондирилади. Ҳозирда давлат дастури асосида "Т. Аҳмедов" маҳалласида 3.2 км ичимлик сувини тортиш, битта янги қудуқ қазиш, трансфарматор ўрнатиш каби ишлар жадал суръатларда олиб борилмоқда.
2022-11-17 15:45:28